

**Мамаюнус ПАРДАЕВ, Юлдуз УРУНБАЕВА**

# **МАКРОИҚТЫСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИҢ ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС  
ИНСТИТУТИ**

**Мамаюнус Пардаев, Юлдуз Урунбаева**

**МАКРОИҚТИСОДИЙ  
КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ  
ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**Самарқанд – 2020**

**Пардаев М.Қ., Урунбаева Ю.П.** Макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгаришларини баҳолаш йўллари. Услубий қўлланма. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 52 бет.

**Тақризчилар:**

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Ш.Хасанов** – ТДИУ Самарқанд филиали проректори, и.ф.д., профессор.

**У.Х.Худайбердиев** – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Услубий қўлланмада макроиктисодиё кўрсаткичлар тизими, уларни аниклаш йўллари ва макроиктисодий ўсишнинг турлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан, ўзаро боғлиқ ҳолда ёритилган. Ушбу тадбирни амалга ошириш масалалари аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шунингдек, ушбу ишда иқтисодий ўсишнинг таърифи бўйича турли олимларнинг қарашлари таҳлил қилиниб, муаллифлар тамонидан ушбу тушунчанинг янги такомиллашган таърифи ҳам асосланган. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлар ҳам назарий жиҳатдан асосланган ҳолда илк бор ицлаб чиқилган.

Услубий тавсия олий ўкув юртлари талабалари, магистрлар ва профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган. Бундан катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчиларга, малака ошириш курслари тингловчилари ва иқтисодий ўсиш даражасини аниклашга ва баҳо беришга қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

*Услубий қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий услубий тавсия таърихида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган. (№1. 29 август 2020 йил)*

## КИРИШ


Бугунги кунда макроиктисодий барқарорлик ўта муҳим аҳамият қасб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида<sup>2020</sup> йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларни белгилаб берди. Булардан “Биринчидан, 2020 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиздир”<sup>1</sup>, деган вазифани кўйди. Шу жихатдан, макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгаришларини баҳолаш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият қасб этмоқда. Зеро бу йилги пандемия шароитида бутун дунёда иқтисодиёт маълум инкирозга луч келди. Шундай шароитда макроиктисодий барқарорликни таъминламасликнинг имкони йўқ. Чунки, ахолининг фаровонлигини, иқтисодий ўсишли таъминлашнинг бошқа йўли хам йўқ.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўkkиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Истиклол йилларида босиб ўтган ишонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги қуимиизга, ўз куч ва йікониятиларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда”<sup>2</sup>. Маълумки, 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси”да хам макроиктисодий барқарорликни таъминлаш масаласи асосий устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилган эди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётининг мутлако янги боскичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир”<sup>3</sup>. Ана шундай янтиланиш даврида нима бўлганда хам иқтисодиётимизнинг орқада қолишига имкон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халиқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь 19 сарф 14 бўлуми.

<sup>2</sup>Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўзирмома тўkkиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Халиқ сўзи” газетаси. 2020 йил 2 сентябрь 14 сарф 14 бўлуми.



бермаслик чораларини кўришимиз лозим. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, “2020 йилнинг биринчи ярмида кичик бўлсада иқтисодий ўсиши суръатлари сакланиб қолинди. Ялпи ички махсулот (ЯИМ) ҳажми 255,3 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш кўрсаткичи 0,2 %ни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 6 %ни ташкил этганди. Соҳаларда ялпи кўшилган қиймат ўсиши 0,3 %ни ташкил этди. Иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш динамикаси секинлашган бўлсада, ўсиш давом этмоқда. Ушбу кўрсаткич хизмат кўрсатиш соҳасида 2,6%, курилиш хизматларида 7,3 %, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш тармогида 1,2 %га ошди”<sup>4</sup>.

Бугунги кунда талабаларга “Макроиқтисодиё”, “Макроиқтисодий таҳлил” каби макродаражадаги жараёнларни ўргатадиган фанлар ўтилмоқда. Аммо буларда макроиқтисодий барқарорлик ва уни ўстириш масаласи ҳозирги аҳвол нуқтаи назаридан қаралган эмас. Шу туфайли мазкур услубий кўлланмада макроиқтисодиёт кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш йўллари ва макроиқтисодий ўсишнинг турлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан, ўзаро боғлиқ ҳолда ёритилган. Ушбу масалаларни талабаларга тушунарли тазда ифодалаш учун барча масалалар аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шунингдек, ушбу ишда иқтисодий ўсишнинг таърифи бўйича турли олимларнинг қарашлари таҳлил қилиниб, муаллифлар тамонидан ушбу тушунчанинг янги такомиллашган таърифи ҳам асосланган.

Мазкур ишдаги муҳим жиҳатлардан бири иқтисодий ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлигидир. Ушбу меъзонлар илмий-назарий жиҳатдан асосланган ҳолда муаллифлар тамонидан илк бор тавсия қилинган.

Услубий тавсия олий ўкув юртлари талабалари, магистрлар ва профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган. Бундан катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчиларга, малака ошириш курслари тингловчилари ва иқтисодий ўсиш даражасини аниқлашга ва баҳо беришга қизикувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

<sup>4</sup><https://urz.uz/oz/society/ru-amali-i-tisodiyet-an-i-ta-lil-va-shaffof-biznes-21-06-202022.37>

## **1-боб. МИЛЛИЙ ИҚТІСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ**

### **1.1. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий күрсаткичлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар белгилаб берилди. Мурожаатнома-даги биринчи қайд этилган вазифалардан бири, “2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиз-дир”<sup>5</sup>, деб кўрсатгани бўлди. Ушбу вазифани бажариш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган параметрларни бажаришга тўғри келади. Миллий иқтисодиётнинг асосий негизини макроиқтисодиётташкил қилиади.

Миллий иқтисодиёт деганда кўз олдимизга маълум бир мамлакатнинг иқтисодиётӣ, яъни халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари ва соҳалари мажмуи тушунилади. Аммо уни назарий жиҳатдан таҳлил қилинса, бу ўзининг таърифига эга. Бу борада олімларимиз асарларига эътибор қаратилса, улар турли қарашларга эга ҳақиқиятни гувоҳ бўламиз. Жумладан, **Ш.Ш.Шодмонов ва Б.Э.Мамараҳимовлар** миллий иқтисодиётни қўйидагича изоҳлади. “Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро даражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир”<sup>6</sup>, деб таъриф берганлар. Мазкур олімлар миллий хўжаликнинг таркиб топган тузулиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади, деган изоҳни келтирган. **М.М.Муҳаммедов** раҳбарлигига нашр қилинган дарсликда, ушбу таърифини тўлиқ кўллаб-куватлаган<sup>7</sup>.

Назариятчи олімларимиздан бири **Т.Т.Жўраев** миллий иқтисодиётга қўйидагича таъриф берган. “Миллий иқтисодиёт – алоҳида мамлакат миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланади ҳамда меҳнат тақсимоти орқали ўзаро боғланган

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

<sup>6</sup>Шодмонов Ш.Ш., Мамараҳимов Б.Э.Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”нашриёти, 2016 – 261 бет.

<sup>7</sup>Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya”нашриёти, 2018. – 181 бет.

тармоқлар, соҳалар ва инфратузилма муассасаларидан иборат яхлит иқтисодиёт тушунилади”<sup>8</sup>. Миллий иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ва уларни истеъмол қилиниши, ривожланиши суръати ва умуман иқтисодиётнинг тузилиши, ҳудудларнинг алоҳида тармоқлари ва соҳаларини олиш мумкинлиги эътироф этилган. Шу тариқа миллий иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётини тўлиқ қамраб олади.

Мамлакатимизнинг етакчи назариятчи олимларидан профессорлар А.Ўлмасов ва А.Ваҳабовлар миллий иқтисодиётни куйидагича изоҳланпни таклиф киладилар. “Миллий иқтисодиёт муайян мамлакатнинг ичидаги юз берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, бунда фирмалар, хонадонлар ва давлат иштирок этади”<sup>9</sup>, деб кўрсатилган. Юқорида келтирилган барча таърифлар у ёки бу маънода миллий иқтисодиётнинг мазмунини очиб беради. Аммо турли олимларда миллий иқтисодиётнинг таърифини очиб беришда ёндошувлар турли эканлигига гувоҳ бўламиз. Бирда миллий иқтисодиёт учун субъектлар асос қилиб олинса, иккинчисида жараёнлар, учинчисида ҳам субъектлар, ҳам жараёнлар қамраб олинган.

Аслида мамлакатнинг миллий иқтисодиёти иқтисодиёт соҳасига оид барча тармоқлар, соҳалар ва хонадон ҳўжаликлигини қамраб олади. Чунки тармоқлар ва соҳаларда моддий неъматлар ишлаб чиқарилади ва хизмат кўрсатилади. Хонадон ҳўжалигига бевосита истеъмол қилинади. Албатта хозирги пайтда оиласидаги тадбиркорликнинг ривожланиши билан ушбу субъектга ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини бажаришга киришганлар. Умуман олганда барча жараёнда турли соҳа ёки тармоқ бўлишидан қатъи назар, ҳаммасининг ягона яратувчиси меҳнатdir. Ушбу ижтимоий меҳнат барча шаклларининг асосий ҳужайраси товарлар ишлаб чиқараишга ва хизматлар кўрсатишга қаратилган. Булар корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга бирлаштирилган. Буларнинг ҳаммасини жамлансанса Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини ташкил қиласди.

Миллий иқтисодиётнинг таркиби бир қанча белгилари бўйича тавсифланади. Бу куйидаги расмда ўз аксини топган (1.1.1-расм).

<sup>8</sup>Жўрасов Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўкув кўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017. – 337 бет.  
<sup>9</sup>Ўлмасов А. Ваҳабов. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 264 бет.

T/p	Иқтисодиётни таснифлашнинг таснифий белгилари	Алоҳида тармоқ ва соҳа турлари
1.	Мулкчилик шакли бўйича	Хусусий сектор Давлат сектори Давлат ва хусусий шерикчилик сектори
2.	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича	Саноат Кишлoқ xўjалиги Транспорт Курилиш Савдо Барча хизмат кўреатиши соҳаси кабилалар
3.	Худудий зоналар асосида	Барча вилоятлар Қоракалпогистон республикаси Тошкент шаҳри Ҳер бир худудда туманлар кесимидағи бўлшиниллар ва бошқалар
4.	Соҳалар бўйича	Ишлаб чиқариш соҳаси Хизмат кўрсатиш соҳаси Истемолчиларга етказиб бериш соҳаси
5.	Иқтисодиётнинг даражаси бўйича	Микроиқтисодиёт Мезоиқтисодиёт Макроиқтисодиёт

### 1.1.1 -расм. Миллий иқтисодиётни таснифлаш белгилари ва таснифи

Мамлакатимиз олимларининг қарашлари ва турли мунпохадалари ва миллий иқтисодиётнинг таснифидан келиб чиқиб ушбу тушунчага таъриф бериш мумкин бўлади. Миллий иқтисодиёт деганда, барча мулк шаклини, тармоқларни, худудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг барча даражасини қамраб оладиган мамлакатга тегишли бўлган иқтисодий жараёнларни содир этадиган турли даражадаги хўжалик юритувчи субъект-лар мажмую тушунилади<sup>10</sup>. Агар шу

<sup>10</sup> Газриф бизнеки.

таърифга асосланадиган бўлсак, ҳар бир мамлакат иқтисодиёти шу мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ташкил қиласди. Бундан холоса, ҳозирги пайтда дунёда 200 тадан зиёд давлат мавжуд бўлса, демак шунча миллий иқтисодиёти ҳам мавжудир.

Миллий иқтисодиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича баҳо бериш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Агар асосий макроиктисодий кўрсаткичларга эътиборни қаратадиган бўлсак, улар кўйидагиларни ўз ичига олади (1.1.1-жадвал).

#### 1.1.1-жадвал

#### Макроиктисодий кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва аниқлаш ўйлари<sup>11</sup>

T/ р	Кўрсаткичла р-нинг номи	Кўрсаткичларнинг мазмуни	Кўрсаткичлар ни аниқлаш ўйлари
1.	<b>Ялпинчкима хусулот(ЯИМ)</b>	Ишлаб чиқарувчи бирон бир давлатга мансублигидан қатъи назар, маълум бир вақт ичида (одатда Йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати.	<b>ЯИМ</b> $= \sum_{i=1}^n яим_i;$ <b>ЯИМ = M<sub>1</sub> + M<sub>2</sub>;</b>
2.	<b>Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)</b>	Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субектла-ри томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан қатъий назар.	<b>ЯММ = M<sub>2</sub> + M<sub>3</sub>;</b>
3.	<b>Соф ички (ёкимиллий) маҳсулотСИ М (СММ)</b>	ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айирмаси.	<b>СИМ (СММ) =</b> <b>ЯИМ - Ама;</b>

<sup>11</sup>Муаллифлар ишланмаси.

4.	<b>Миллий даромад (МД)</b>	Иид давомида ишлатилган ишлаб чиқариш манбаларидан эгри соликларнинг айрмаси.	МД = СИМ - БСО;
5.	<b>Шахсийдаромад (ШД)</b>	Индивидуал соликлар тўланган-дан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шакли.	ШД = МД - КФ - ИСБ + КДС + Д + ИТ;
6.	<b>Ихтиёрдагидаромад(ИД)</b>	Бу шахсий даромаднинг бир кис-мини ахоли ўз хоҳицига кўра сарфлаши мумкин бўлган ахоли-нинг шахсий фойдаланишдаги даромади. Ихтиёрдаги даромад истеъмол ва тежаш учун ишлатилиди.	ИД = ШД - ШС;

$M_1$ - мамлакат ичидаги ишлаб чиқарилган хорижий корхоналар маҳсулоти.

$M_2$ - мамлакат ичидаги ишлаб чиқарилган миллий корхоналар маҳсулоти.

$M_3$ - чет эллардаги миллий корхоналар маҳсулоти.

Ама - амортизация йиллик суммаси.

БСО - бизнесга билвосита соликлар.

КФ - корпоратив фойда.

ИСБ - ижтимоий сугурга бадаллари.

КДС - корпоратив даромад солиги.

Д - дивидендлар.

ИТ - ижтимоий трансферлар.

Ўрганишлар шуни қўрсатдики, асосий макроиқтисодий қўрсаткичлар, макроиқтисодий жараёнлар каби бир-бiri билан ўзаро боејдик экан. Буниң куйидаги ҳисоб-китобларда ҳам кўриш мумкин:

ЯИМҳажми маълум бир вақт ичida (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қийматини ташкил қиласи. Жадвалда келтирилишича у бир қанча маҳсулот ва хизматлар йигиндисидан иборат. Бу куйидагича ҳисобланган эди:

$$\text{ЯИМ} = \sum_{i=1}^n \text{яим}_i;$$

Ушбу ЯИМнинг таркибида соф миллий маҳсулот (СММ) ёки соф ички маҳсулот (СИМ) мавжуд. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ЯИМдан амартизация суммаси (Ама) айрилади:

$$\text{СИМ} = \text{ЯИМ} - \text{Ама};$$

Соф миллий маҳсулот таркибида мамлакатнинг миллий даромади (МД) ҳам мавжуд. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун СИМдан бизнессга билвосита соликлар (БСО) айрилади:

$$\text{МД} = \text{СИМ} - \text{БСО} ;$$

Навбатдаги кўрсаткич шахсий даромадлар (ШД) бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун мамлакатнинг миллий даромадидан корпоратив фойда (КФ), ижтимоий сугурта бадаллари (ИСБ) олиб ташланиб, корпоратив даромад солиги (КДС), дивидендлар (Д) ва ижтимоий трансферлар (ИТ) қўшилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қўйидаги формулада ўз аксини топган:

$$\text{ШД} = \text{МД} - \text{КФ} - \text{ИСБ} + \text{КДС} + \text{Д} + \text{ИТ} ;$$

Шиксий даромадининг бир қисми ахолининг ихтиёридаги даромадлардан (ИД) иборат. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ШДдан мажбурий тўловларин қўшган ҳолда шахсий соликлар (ШС) чегирикӣ ташпланиди:

$$\text{ИД} = \text{ШД} - \text{ШС} ;$$

Кўриниб турибдики, макроиктисодий кўрсаткичлар бир-бiri билан узний болгик экан. Ушбу боғлиқлик ушбу кўрсаткичлар ўзгаришида ҳам акс этади. Бирининг кўпайгани ёки камайгани албатта иккинчисига таъсир қилади. Шу туфайли иктисодий жараёнларнинг диалектика боғлиқлигига баҳо бериш учун ҳам кўрсаткичлар тизим орқали баҳо берилади.

Миллий иктисодиётнинг таркибида, юқорида таъкидланганидек, макроиктисодиёт мавжуд. Кўп адабиётларда буларнинг иккаласини бироз чалкаштирган ҳолда бир хил тушунчалар сифатида қарападиганлар ҳам бор. Миллий иктисодиёт ўзининг даражаси бўйича макроиктисодиёт, мезоиктисодиёт ва микроиктисодиёт турларига бўлинади. Аммо улар бир-бираидан фарқ қилади. Микроиктисодиёт қайси бир тармоққа дахладор бўлган хўжалик юритувчи субъект (фирма, корхона каби) ҳисобланади. Мезоиктисодиёт битта соҳа бўйича, лекин мамлакат миқёсида амал қилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги, ушбу соҳа қўйидан тортиб

вазирлик доирасигача йирик соҳа. Ҳаммаси мезоиқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Энди макроиқтисодиётга келадиган бўлсак, у барча соҳа ва тармоқларни ўзида қамраб олади ва макро даражада иш олиб боради. Шу туфайли макроиқтисодиёт бошқа иқтисодиётларга нисбатан кўлами жиҳатидан фарқ қиласиди.

Бу борада ҳам олимларимиз тамонидан турли фикрлар айтилган. Жумладан, Т.Жўраев “Макроиқтисодиёт – бу миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида мулкий секторлари ва жаҳон хўжалиги даражасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини бир бутун килиб бирлаштирган иқтисодиёт тузулмасидир”<sup>12</sup>, деб таъриф беради.

**Ш.Ш.Шодмонов ва Б.Э.Мамараҳимовлар** макроиқтисодиётни куйидагича изоҳлади. “Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида барча иқтисодиётнинг ўзаро алокса ва таъсирида ҳаракат киладиган соҳалари, тармоқлари, худудий тузулмаларини бир бутун килиб бирлаштирган миллий хўжалик тизимиdir”<sup>13</sup>, деб кенг камравли маънода таъриф берганлар. Макроиқтисодиёт иқтисодиётнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини, банк, молия, сугурта, солиқ, божхон тизимларини ўз ичига олиши ҳам таъкидланган.

Шу ўринда кайд этиш жоизки, макроиқтисодиётни ўрганидиган маҳсус “Макроиқтисодиёт” фани мавжуд. Шу билан боғлиқ яна “Макроиқтисодий таҳлил” ва “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” каби фанлар ҳам мавжуд. Макроиқтисодиёт ҳалқ хўжалиги фаолияти ва ривоҷланиш тенденцияларини, шунингдек уни тартибга солиш воситалари ва усусларини макроиқтисодиёт даражасида ўрганишга қаратилган. Ушибу фан ўз таркибига макро даражадаги тармоқлар, соҳалар ва макроиқтисодиётнинг бошқа субъектларини қамраб оладиган. Макроиқтисодиёт иқтисодиётнинг алоҳида бўгини сифатида ўзига хос сиёсатга эга.

Буларни инобатга олиб, макроиқтисодиёт тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. Макроиқтисодиёт деганида, барча музик шаклини, тармоқларни, худудларни, соҳаларни <sup>14</sup> ва иқтисодиётнинг макро даражасини ўзида қамраб оладиган мамлакатнинг яхлит иқтисодиёти тушунилади<sup>15</sup>, деган

<sup>12</sup>Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқуу кўлланма. – Т: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017. – 337 бет.

<sup>13</sup>Шодмонов Ш.Ш., Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси. – Т: “IQTISOD-MOLIYAT”нашриёти, 2016. – 261 бет.

<sup>14</sup>Таъриф бизниси.

таърифни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Макроиқтисодиёт макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади.

**Макроиқтисодий сиёсат** - давлатнинг умуман иқтисодиётга таъсирида намоён бўлади. Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси бозор иқтисодиёти фаолиятининг самарадорлиги ва ижтимоий йўналишини оширишдан иборатдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш давлатнинг макроиқтисодий сиёсатининг қуидаги асосий мақсадларга йўналтиришни назарда тутади.

**Биринчидан**, барқарор ва самарали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Бунга эришиш учун маҳсулот ва хизматлар сифатли ва арzon бўлишилигини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу макро даражада ҳам рақобат мухити яратилиган бўлишилиги лозим.

**Иккинчидан**, тўлиқ иш билан таъминлаш пировард мақсадга айланг бўлиши лозим. Чунки жамиятнинг равнақи ва ахолининг фаровонлиги бевосита уларнинг иш билан таъминланганлигига боғлиқ. Иқтисодиёт шундай даражада бўлиши керакки, ҳар бир иш билан банд бўлган киши ўзларининг эҳтиёжларини бемалол кондирадиган бўлишилиги лозим.

**Учинчидан**, умумий нарх даражасининг ҳам барқарорлиги тўлиқ таъминланган бўлиши лозим. Нархнинг ўсиб бориши иқтисодиётганинг қалоқлигидан, ижтимоий хаётнинг бекарорлигидан далолат беради. Шу туфайли мамлакатимизда эркин рақобатни кучайтириб, нархнинг барқарорлигига эришиш лозим.

**Тўртинчидан**, ижтимоий адолат ва ногиронларнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам таъминланган бўлишилиги лозим. Барча мувоффакиятларнинг, натижадорликнинг омилларидан бири ижтимоий адолатнинг ўрнатилганлиги билан белгиланади. Бежиз “Куч - адолатда” принципи Амир Темур бобомизнинг шиорига айланмаган. Ҳозирги кунда ҳам мамлакатимиз Президенти ҳалкни рози қилишнинг ягона йўли сифатида барча жабҳаларда адолат принципишига амал қилиш масаласини устувор вазифа сифатида белгилаб берган.

**Бешинчидан**, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун энг аввало, мамлакатнинг савдо ва тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш лозим бўлади. Бунга эришишининг бир йўналиши савдо корхоналарининг ҳам хуфёна иқтисодиётга йўл қўймасдан ҳалол ишлашини тақозо қилади. Ушбу муаммонинг ҳал бўлишида тўлов балансининг ҳам роли катта.

Макроиқтисодиёт асосан макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали тартибга солиниб, бошқарилиб борилади. **Макроиқтисодий**

**кўрсаткичлар** деганда, макроиктисодиётнинг ҳолати, ривожланиши ва истиқболларига баҳо берадиган индикаторлар мажмуй тушунилади. Макроиктисодий таҳдилнинг умумлантирилган кийматлари. Агрегатлар нархларниң умумий даражаси, иш билан бандлик даражаси, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларниң умумий хажми, умумий даромадлар, иштесъмол ва жамғармаларниң кўрсаткичлари.

**Дефлятор** деганда, бу иқтисодий кўрсаткичларни нул билан ҳисоблаб чиқилган ҳолда уларни олдинги давр нархлари даражасига етказиш учун қайта ҳисоблаш коэффициенти тушунилади.

Миллий иқтисодиёт, макроиктисодиёт ва макроиктисодий кўрсаткичларни тадқик қилиши натижасида бир қанча хуносаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Биринчидан**, миллий иқтисодиётнинг таърифи олимларимиз ўртасида турли қаралгандигини инобатга олиб, ушбу тушунчани назарий жиҳатдан тадқик қилган ҳолда, унинг таърифи тақомиллаштирилди ва қўйидагича ифодалаш тавсия қилинди: **Миллий иқтисодиёт деганда, барча мулк шаклини, тармоқларни, худудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг барча даражасини қамраб оладиган мамлакатга тегишли бўлган иқтисодий жараёсларни содир этадиган турли даражадаги хўжалик юритувчи субъектлар мажмуй тушунилади.**

**Иккинчидан**, миллий иқтисодиётни аксарият адабиётларда иккига (макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт) бўлиб ифода этилган. Биз уни учга бўлинган қарашларга қўшилган ҳолда таркиби макроиктисодиёт, мезоиктисодиёт ва микроиктисодиёт грухларга бўлинишини тавсия қилмоқдамиз. Чунки кўлами жиҳатидан макроиктисодиётга соҳаси жиҳатидан микроиктисодиётга ўхшайди. Аммо ушбу иқтисодиётни унисига ҳам бунисига ҳам қўшиб бўлмайди.

**Учинчидан**, макроиктисодиёт тушунчаси бўйича ҳам олимларимиз ўртасида турли қарашлар мавжуд. Айримлари миллий иқтисодиёт билан бир хил тушунчалар деб қарайди. Буларни инобатга олиб, макроиктисодиёт тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. **Макроиктисодиёт деганда, барча мулк шаклини, тармоқларни, худудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг макро даражасини ўзида қамраб оладиган мамлакатнинг яхлит иқтисодиёти тушунилади**, деган таъриф берилган.

**Тўртингчидан**, миллий иқтисодиётнинг таркиби бўйича таснифий белгилари ва таснифи олтига белгиси: мулкчилик шакли бўйича, иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудий зоналар асосида соҳалар бўйича иқтисодиётнинг даражаси бўйича гурухлар ишлаб чиқилди.

**Бенинчидан**, макроиктисодий кўрсаткичлар тизими: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ), соғ ички (ёки миллий) маҳсулот СИМ (СММ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёрдаги даромад (ИД) кабилардан иборатлиги асосланди ва уларнинг мазмуни ҳамда аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди. Шунингдек, ушбу кўрсаткичларниң ўзаро боғлиқликларига ҳам баҳо берилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқот натижасининг дарслкларда ва бошқа ўкув адабиётларида қўлланилиши миллий ва макроиктисодиёт билан боғлиқ назарий масалаларниң такомиллашувига хизмат қиласди.

## **1.2. Миллий ҳисоблар тизими бўйича асосий кўрсаткичлар ва ЯИМни аниқлаш усуслари**

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) бу бир томондан хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларни сотиб олиш харажатлари, иккинчи томондан уларнинг иқтисодий фаолият натижаларидан оғзиғи даромадларини акс ўтирувчи балансли иқтисодий жадваллар тұннами.

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий мақсади етаптик ҳисобот мэйлумотлари асосида ижтимоий маҳсулотни иштеп чиқариши, тақсимланни ши ундин фойдаланиши тўғрисида маконорий мэйлумотларини оғзинцир. Бунинг учун ҳар бир макори иқтисодий субъект на умумии миллий иқтисодиёт учун ушбу субъектнинг құйнушы иқтисодий жарабаюардиги интироқини акс итирувчи функциональ ҳисоблар тизими тузилган:

- тоғарашар на қызметлар ишлаб чиқариш;
- миллий даромадларини инк泱ланши;
- миллий даромадларни тақсимлаш;
- миллий даромаддин қайта тақсимлаш;
- миллий даромадлардан фойдаланиш;
- мулкни ўзгартириш;
- кредитлаш ва молиялаштириш.

Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг, жаҳон МХТга ўтишда биринчи қадамларни кўйган хисоблар тизимида табиий ресурсларни ишлаб чиқаришни кўп ҳолларда физик жиҳатдан ҳисобга олади, бу эса уларни ҳозирги меъёрларда баҳолашга киришишга имкон беради (1.2.1-жадвал).

### 1.2.1-жадвал

#### **Асосий макроиктисодий кўрсаткич – ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) хисоблаш ўсуллари**

T/r	Макроиктисодий кўрсаткичларни хисоблаш йўналишлари	Изохи	Аниқланиш йўллари (формуласи)
1.	Харажатлар бўйича	Ялпи миллий маҳсулотни (ЯИМ) харажатлар бўйича хисоблашда асосан тўртга харажатлар турлари (формулада келтирилган) жамланади	$ЯИМ = С + I + G + X_n$ С - шахсий истеъмол харажатлари; I - ялпи хусусий инвестиция; G - давлат харидлари (харажатлар); $X_n$ - импорт ва экспорт ўртасидаги салдо
2.	Даромадлар бўйича	Даромад бўйича Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни даромадлар бўйича хисоблаш уни хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларига таксимлаш ва даромадларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган (олтига кўрсаткич) таксимланган маблағларни шакллантириши гартибини	$ЯИМ = W + R + K + P + A + T$ W - меҳнатга ҳақ тўланти; R - ижара тўловлари; K - фоиз, яъни. пул капитали эгаларининг даромадлари; P - фойда; A - амортизация; T - бильсигта соликлар. Д - мулкдан кепадиган даромадлар.

		тавсифлайди.	
3.	Кўшилган қиймат	Бу фирма томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун сотиб олган матери- алларнинг қийматини (Ma) олиб ташланган савдо ҳажми (Cx).	$K_k = Cx - Ma$

Жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи миллий маҳсулотни (ЯММ) харажатлар бўйича ҳисоблашда асосан тўртта харажатлар турлари жамланади. Буларга шахсий истеъмол харажатлари (C), ялпи хусусий инвестиция (I), давлат харидлари (харажатлар) (G) ҳамда импорт ва экспорт ўтасидаги салдо ( $Xn$ ) киради. Буларнинг боғлиқлик формуласи куйидагича ифодаланади:

$$ЯММ = C + I + G + Xn ;$$

Иккинчи йўналиш, ялии ички маҳсулот (ЯММ)ни даромадлар бўйича ҳисоблаш уни хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларига тақсимлаш ва даромадларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган тақсимланган маблағларни шакллантириш тартибини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткичлар гурухига қуйидаги олтита кўрсаткичини киритиш мумкин. Булар таркибига меҳнатга ҳақ тўлаши ( $W$ ), ижара тўловлари ( $R$ ), фоиз, яъни, пул капитали оғаларининг даромадлари ( $K$ ), фойда ( $P$ ), амортизация ( $A$ ), билиқсита соликлар ( $T$ ) ва мулкдан келадиган даромадлар ( $D$ ) киради. Буларнинг ўзаро боғликлиги қуйидаги формулада ўз ифодасини топган:

$$ЯММ = W + R + K + P + A + T + D ;$$

Ялии миллий маҳсулот (ЯИМ)ни қўшилган қиймат бўйича ҳисоблашда ҳар бир фирма ва соҳа томонидан ЯИМни яратиш учун қўшилган қиймат ҳисобга олинади, бу ҳолда ЯИМнинг қиймати иқтисодиётга қўшилган қийматдир. Буни содда килиб тушунтиралидан бўлса, савдо ҳажмидан ( $Cx$ ). фирма томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун сотиб олган материалларнинг қиймати ( $Ma$ ) олиб ташланади. Бу қуйидагича аниқланади:

$$K_k = Cx - Ma ;$$

Ушбу кўрсаткичлар мамлакат ЯИМга тегишли баҳо беришда қўлланилади.

### **1.3. Миллий иқтисодиётни ифодаловчи макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларнинг мазмунини**

Миллий иқтисодиётни ифодаловчи макроиктисодий кўрсаткичлар таркибига ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), сөғ миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД) каби кўрсаткичлар киради. Буларнинг мазмунини куйидагича.

**Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)** - маълум бир вақт ичида (одатда йилига) мамлакатнинг миллий иқтисодий субектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати.

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** - ишлаб чиқарувчилар бирён бир давлатга тегинсли бўлишидан катни назар, маълум бир вақт ичида (одатда йилига) шу давлат худудида ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати.

**Соф миллий маҳсулот(СММ)** - фойдаланишга яроқсиз бўлган ускунани алмаштиришдан кейин истеъмол учун қолган тайёр маҳсулотлар ва хизматлар йигиндиси. Бу амортизация тўловларин микдори бўйича ЯИМдан кам.


**СММ = ЯИМ** - амортизация, ёки **СММ = ЯММ** - амортизация;

**Миллий даромад (МД)** - йил давомида ишлатилган ишлаб чиқариш манбалари бўйича барча даромадларнинг йигиндиси, яъни, бу иш ҳақи, ижара, фоизлар ва фойда йигиндиси.

**Миллий даромад (МД)** - ишлаб чиқариц оминалари эгалари томонидан маълум бир йилда ЯММ ишлаб чиқаришда олган умумий даромад.

**МД = СММ** - бизнесга билвосита соликилар.

Ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми аслида бевосита уй хўжалиги ихтиёрига тушмайди. Аскинча, яъни уй хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган даромадларнинг бир қисми, (трансферт тўловлари) меҳнат натижаларининг маҳсули сифатига киритилмайди. Миллий даромад кўрсаткичларидан фойдаланиб шахсий даромадлар кўрсаткичларини ҳисоблаш учун аҳоли томонидан ҳақиқатда ишланган, аммо олинмаган даромадларни олиб ташлаб, шунингдек аҳоли томонидан олинган, аммо жорий меҳнат фаолияти натижаларини билдирамайдиган даромадларни кўшиб шахсий даромадни оламиз.



## **ШД=МД - ижтимоий сүгурта ажратмалари - корпорация фойдасига солиқ - тақсимлашмаган фойда +трансферт түловлари**

**Ихтиёрдаги даромад (ИД)** - бу фүзаролар томонидан түланадиган шахсий солиқлардан ташқари шахсий даромадлар. Якуний маҳсулот - бу ишлаб чиқаришдан ташқаридан бўлган ва охирги фойдаланиш учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар.

**Оралиқ маҳсулот** - кейинчалик қайта ишланган ва охирги истеъмолчига етиб боргунча бир неча марта сотиладиган товарлар ва хизматлар, яъни, маълум бир йилда ишлаб чиқарилгаш ва шу йилда якуний маҳсулотни яратиш учун истеъмол килинган маҳсулот.

**Номинал ялпи ички маҳсулот** - бу ҳозирги нархларда ўлчанадиган ЯММ. Номинал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳар йили икки сабабга кўра ўзгариб туради. Биринчиси, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми ўзгаради. Иккинчи сабаб - бу бозор нархларининг ўзгариши. Жорий йилдаги бозор нархларининг ўсиш суръатларини базис кўрсаткичга нисбатан тавсифловчи кўрсаткич нархлар даражаси (индекс) ёки ЯММ (ЯИМ) дефлятори деб аталади.

Нархларининг умумий даражасини (дефлятор) ҳисоблашда бошлангич нуктаси (базис йил) аниқланади, кайси томондан нарх ўтиришини кузатишни бошлайди. Мамлакатда базис йилда ишлаб чиқарилгани биринч тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг нарх широжиси биттағи тенг деб қабул қилинади. Сўнгра бошлангич индикатори ЯММ ёки ЯИМ қиёматини ҳозирги нархларда олсак, уни дефлятор ( $P$ ) мақеулоти ия ренал ишлаб чиқарин ҳажми ( $Q$ ) га тенглантиришишинг мумкин:

$$Y = P * Q$$

Келли дефлятор бўлиб ЯММ ёки ЯИМ индикаторининг номинал қиёматини ҳақиқий қиёматига бўлишнинг квANTI бўлади.

**ЯММ (ЯИМ) дефлятори = ёки  $P = Y / Q$ .**

### **1.4. Ялпи талаб ва унинг шаклланиши**

**$AD$  -  $AS$  Модель - Асосий макроиктисодий мувозанат модели.**

Макроиктисодий мувозанат бу нарх даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўртасидаги мувозанатдир. Ялпи талаб ва ялпи таклиф тенг бўлганда таъминлашади.

Ялпи талаб - бу иктиносидётда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ва хизматларга бўлган барча индивидуал талабларининг йигинидиси ёки истеъмолчилар ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражасида сотиб олишга тайёр бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми.

Ялпи талаб эгри  $AD$  бу ҳар бир мумкин бўлган нарх даражасида истеъмолчилар сотиб олишга тайёр бўлган товарлар ва хизматлар сони ўртасидаги муносабатларнинг график ифодасидир.

Нарх омиллари унинг эгилишини аниклади, нарх бўлмаган омиллар унинг силжишини аниклади. Нархсиз омиллар нархлар даражасининг ўзгаришига боғлиқ эмас, лекин уларнинг таъсири остида талабнинг ўзгариши кузатилиди, шунинг учун натижа  $AD$  эгри чизигининг ўнгга ёки чапга силжиши бўлади. Ялпи талабнинг асосий нархсиз омиллари (жами талаб эгри чизигинингҳаракати):

### 1. Истеъмол харажатларига таъсири (К)

- а) Аҳоли реал даромадларининг ўсиши
- б) Солиқни камайтириш
- к) Ўнфляцион кутиши
- д) Истеъмолчиларнинг карзлари

### 2. Инвестициялар даражасига таъсири

- а) Илмий ва техник ютуклар
- б) Ускуналарнинг янгилик даражаси
- в) ортиқча кувват
- д) давлат солиқ сиёсати
- э) Пул массаси ўзгариши ва пул муомаласи тезлиги билан боғлиқ фоиз ставкаларининг ўзгариши (ва товарлар ва хизматлар нархлари ўртача даражасининг ўзгариши билан эмас).

### 3. Давлат харажатларига таъсири

- а) Давлат харажатлари сиёсатидаги ўзгаришилар
- б) Фавқулодда вазиятлар (урушлар, табиий оғатлар ва бошқалар)

### 4. Соғ экспортга таъсири

- а) Хорижий давлатларда олинган миллий даромад
- б) Валюта курсларининг ўзгариши
- в) ташки бозордаги шарт-шароитлар
- д) божхона сиёсати

## **1.5. Ялпи таклиф ва унинг чегаралари**

**Ялпи таклиф** - бу тайёр маҳсулот ва хизматлар учун индивидуал таклифларнинг йигиндиси ёки ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражасида ишлаб чиқарувчилар тайёр маҳсулот ва хизматларнинг умумий сони.

**Ялпи таклиф эгри чизиги-** бу ишлаб чиқарувчилар ҳар қандай нарх даражасида ишлаб чиқаришга тайёр бўлган товарлар ва хизматлар сони ўртасидаги муносабатларнинг график ифодасидир. Таъминот даражасига маҳсулот нархлари ва кириш харажатлари тасъир қиласи. Ялпи таъминотни кисқа муддатда ва узок муддатда алоҳида кўриб чиқиш керак. Бу ишлаб чиқариш омиллари сонининг ўзгариши таъсирининг катта аҳамиятига боғлик.

**Ялпи таклиф эгри чизигиуч сегментдан иборат:**

- Горизонтал (Кейнсиан) - реал нархнинг доимий нарх даражасида ўзгариши (кисқа муддатли).
- Вертикал (классик) - ўзгарувчан нарх даражаси (узок муддатли давр) билан доимий ишлаб чиқариш ҳажми (тўлиқ иш билан таъминланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми).
- Оралиқ - ўзгарувчан нархлар даражасида ишлаб чиқариш ҳажми.

**Ялпи таклифининг асосий нархсиз омиллари (ялпи таклиф эгри чизигининг ҳиракати):**

ишилаб чиқариш омилларининг сони ва унумдорлиги наројсанлигини ўзгариши;  
технологиясини ўзгариши;  
соник сифатидаги ўзгаришлар;  
куйумни ресурсларидаги ўзгаришлар.

## **1.6. Ялпи талабни ялпи таклифининг ишбати**

**Муносабат чиқини ва нарх даражаси** - ялпи талаб ва ялпи таклифининг ёри чизиклар кесишиши.

**Ялпи талабининг силқиниши** бу талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган омилларининг кескин ўзгариши (пул таклифининг ўзгариши ёки уларнинг айланиш тезлиги, инвестиция талабининг ўзгариши, инфляция кутишларининг кескин ўзгариши ва бошқалар) туфайли жами талабнинг кескин ўзгариши.

**Ялпи таклиф силжиши** - бу ишлаб чиқаришнинг нарх бўлмаган омилларининг кескин ўзгариши (ресурсларнинг нархлари

күтарилиши, табиий оғатлар) туфайли ялпи таклифнинг кескин ўзгариши тушунилади.

Төвәр бозоридаги мувозанат ялпи талаб ялпи таклифга тенг бўлганда юзага келади. Аммо ҳақиқий ҳаётда уни бузилиш ҳолатларини кўриш мумкин.

Куйидаги вариантларини кўриб чиқамиз.

### **1. Айтайлик, ялпи талаб ялпи таклифдан ошади: АД> АС.**

Балансга эришиш учун иккита вариант мавжуд:

- ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмасдан нархларни ошириш
- ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш.

Агар фирмалар иккинчи йўлни танласалар, ишлаб чиқариш ҳажми ошади, бу эса умумий ишлаб чиқариш таннархининг ўсишига олиб келади. Шунийг учун янги мувозанат нуктаси ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори кўрсаткичларига мос келади.

Демак: миллый даромад ўсади.

### **2. Айтайлик, ялпи талаб таклифдан кам: АД < АС.**

Бунда иккита вариант юз беради:

- ишлаб чиқаришни қисқартириш;
- масалани ўзгаришсиз қолиши, аммо нархларни пасайиши.

Тадбиркорларнинг биринчи муносабати: ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ва товарларни омборлардан қулай нархларда сотишга ҳаракат қилиш. Агар мақсадга эришилмаса, унда нархларни пасайтириш керак. Бу ишчиларни ишдан бўшатиш бошлангунга қадар давом этади.

Демак: миллый даромад пасаяди.

**3. Айтайлик, ялпи таклиф ошди - АС.** Бу шуни англатадики, фирмалар истеъмолчилар сотиб оладиган нархлардан кўпроқ товарларни таклиф қилмоқдалар. Натижада нархлар пасаяди ва маҳсулот сотиш ва ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Янги мувозанат нуктаси юқори ишлаб чиқариш ва паст нарх даражаларига мос келади.

Демак: Бу миллый даромадга қандай таъсир қилиши номаълум, чунки маҳсулотлар сонидаги ўзгаришлар (Q ва нархлар (P) ҳар хил йўналишларда содир бўлади).

### **4. Ялпи талаб (АД) пасайиб кетди дейлик.**

Бундай ҳолда, ишлаб чиқариш ҳам, нарх ҳам пасаяди. Ишчиларни ишдан бўшатиш бошлангунга қадар нархлар пасайиши сакланиб қолади.

**Демак: Бу миллий даромаднинг пасайишига олиб келади.**

### **1.7. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2020 йил ва ундан кейинги йиллардаги прогнози хусусида<sup>15</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Фуқаролар учун бюджет" лойиҳасини тақдим этди. Лойиҳадан бюджет жараёнидаги ўзгаришларни, 2020 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини 2021-2022 йилларга мўлжалланган йўналишларни билиб олиш ҳамда 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, ташаббусли бюджетлаштириш билан танишиш мумкин.

Эълон қилинган лойиҳада 2020 йил учун Давлат бюджети даромадлари 128 460 млрд сўм ёки ЯИМнинг 20 фоизи миқдорида режалаштирилган, бу эса жорий йил якуни бўйича даромадларнинг кутилаётган ижросидан 15 817,1 млрд сўмга кўпроқдир. Кутилаётган тушумларни баҳолашда иқтисодиётнинг реал ўсиши, солиқлар маъмурчилигини такомиллаштириш, алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши, шунингдек нарх ва валюта курсининг кутилаётган ошиши каби омиллар ҳисобга олинган. Прогнозлаштирилаётган даромадлар тузилмасида билвосита солиқлар салмоғини бирмунча қисқартириш орқали бевосита солиқларни ошириш тенденцияси сақланиб қолади.

Келгуси йилда Давлат бюджети харажатлари 131 104,5 млрд сўм миқдорида бўлиши прогноз килинмоқда, бу эса 2019 йилда тасдиқланган параметрлардан 23 фоизга кўпdir. Ижтимоий соҳага харажатлар улуши катта қисмни – 66 018 млрд сўмни ташкил этади, уларнинг ярми ёки умумий бюджет харажатларининг 22,9 фоизи таълим соҳасига, 14 842,6 млрд сўм – соғликни сақлаш, фан, маданият ва спорт соҳасига, умуман олганда – 3 319,5 млрд сўм, ахолини ижтимоий кўллаб-куvvatлашга – 6 573,7 млрд сўм йўналтирилади, бу ўтган йилдагига қараганда 23 фоиз кўпроқдир, 8 трлн сўм фуқароларнинг пенсия таъминоти учун харажатлар доирасида Пенсия жамғармасига субсидиялар тарзида захирага берилади.

2020 йилги консолидациялашган бюджет ЯИМга нисбатан 3424,9 млрд сўм ёки 0,5 фоиз дефицит билан кўрсатилмоқда.

<sup>15</sup>Ушбу параграфдаги маълумотлар Шахноза Тўрамуродовакуйлаги манбадан олинди. 2020 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози маълум килинди. //<http://uzb.uz/oz/business/makroi-tisodiy-k-safkichlar-anday-isoblanadi>. 06 Ноябрь 2019 10:53. 3117

Умумий фискал баланс консолидацияланған бюджет ва давлат дастури харажатларини ҳисобга олған холда, ташқи қарзлар ҳисобига 17 819,0 млрд сүмни ташкил этади.

Йил бошига давлат қарзи 21,3 млрд доллар (ЯИМга нисбатан 36,0 фоиз) миқдорда бўлиши кутилмоқда, шундан ташқи қарзи 15,3 млрд доллар (ЯИМга нисбатан 25,4 фоизни) ташкил этади. Кредиторлар кесимида хорижий давлатлардан (қолганларига нисбатан Хитой ва Япониядан кўпроқ) олинганд қарзлар 6,7 млрд долларни, халқаро молия институтларидаң 7,7 млрд долларни (51 фоизи - ОТБ) ва инвесторлар ҳисобига 1 млрд долларни ташкил этади. 2020-2022 йилларда ташқи қарзларни сўндиришга 1 567,4 млн долларни йўналтириш режалаштирилмоқда.

2020 йилда макроиктисодий барқарорликни тъминалаш учун қуидагиларга личимлар белгиланмоқда:

давлат номидан ёки Ҳукумат кафолати остида ташқаридан маблағларни жалб этиш бўйича янгидан имзоланган битимлар – 4 млрд доллар;

давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон номидан ёки давлат кафолати остидан жалб этиладиган (ўзлаштириладиган), келгуси йилларда Ҷавлат бюджети маблағлари ҳисобига сўндириладиган қарзлар – 1,5 млрд доллар.

2019 йилдан ташаббусли бюджетлаштириш дастаклари жорий этилмоқда, бунда туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг кўшимча маблағларининг камидаги 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида ўтказиладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Механизмлар [openbudget.uz](http://openbudget.uz) портали воситасида амалга оширилади. 2019 йил I чорак якунларига кўра жами республика бўйича 4049 та овоз ва таклифлар билдирилган, уларни молиялаштиришга 28,9 млрд сўм ажратилган. II чоракда ташаббуслар 5 бараварга кўпайган, уларга 48,3 млрд сўм йўналтирилган. Асосийси булар ободонлаштириш ва таълим муассасаларини таъмирлаш ишларидир.

Таянч сўзлар: миллий иқтисодиёт, макроиктисодий кўрсаткичлар, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соғ ички маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад, ихтиёрдаги даромад, макроиктисодиёт, макроиктисодий сиёсат, дефлятор, микроиктисодиёт, миллий ҳисоблар тизими, кўшилган киймат, оралиқ маҳсулот, номинал ялпи ички маҳсулот, ялпи талаб, инвестиция, соғ экспорт, тенденция, ялпи таклиф.

## **Назорат ва мулоҳазалар учун саволлар**

1. Миллий иқтисодиётнинг асосий негизи деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодиётни таснифлашнинг таснифий белгиларини санаб ўтинг.
3. Макроиқтисодий кўрсаткичларни изоҳланг.
4. Макроиқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
5. Дефлятор деганда нимани тушунасиз?
6. Миллий ҳисоблар тизимини изоҳланг.
7. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни харажатлар бўйича ҳисоблашни изоҳланг?
8. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни даромадлар бўйича ҳисоблашни изоҳланг?
9. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни кўшилган қиймат бўйича ҳисоблашни изоҳланг?
10. Ялпи ички маҳсулотни ялпи миллий маҳсулотдан фарқи?
11. Соф миллий маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
12. Миллий даромад деганда нимани тушунасиз?
13. Ихтиёрдаги даромад деганда нимани тушунасиз?
14. Оралиқ маҳсулотни изоҳланг.
15. Номинал ялпи ички маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
16. Ялпи талабдеганда нимани тушунасиз?
17. Ялпи таклиф деганда нимани тушунасиз?

## **Тестлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи қайд этилган вазифани кўреатинг.  
А.“2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш  
Б.“2020 йилда иқтисодий ўсишга эришиш  
С.“2020 йилда аҳоли бандлигини ошириш  
Д.“2020 йилда инфляцияни жиловлаш

**2. Миллий иқтисодиёт терминига берилган изоҳлардан қайси бири Ш.Ш.Шодмонов ва Б.Э.Мамараҳимовлар қаламига мансуб?**

А. Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро даражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир

В. Миллий иқтисодиёт – алоҳида мамлакэт миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган ҳамда меҳнат таҳсимиоти орқали ўзаро боғланган тармоқлар, соҳалар ва инфратузилма муассасаларидан иборат яхлит иқтисодиёт тушунилади

С. Миллий иқтисодиёт муайян мамлакатнинг ичидаги юз берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, бунда фирмалар, хонадонлар ва давлат иштирок этади

Д. Миллий иқтисодиёт дегандা, барча мулк шаклини, тармоқларни, худудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг барча даражасини камраб оладиган мамлакатга тегишили бўлган иқтисодий жараёнларни содир этадиган турли даражадаги хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи тушунилади

**3. Иқтисодиётни таснифлашининг таснифий белгилари келтирилган қаторни белгиланг.**

А. Мулкчилик шакли бўйича, иқтисодиёт тармоқлари бўйича, хусусий сектор, саноат

Б. Мулкчилик шакли бўйича, иқтисодиёт тармоқлари бўйича, худудий зоналар асосида, соҳалар бўйича, иқтисодиётнинг даражаси бўйича

С. Мулкчилик шакли бўйича, иқтисодиёт тармоқлари бўйича, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳаси

Д. Мулкчилик шакли бўйича, иқтисодиёт тармоқлари бўйича, барча хизмат кўрсатиш соҳаси

**4. Ялни ички маҳсулот деб нимага айтилади?**

А. Ишлаб чиқарувчи бирон бир давлатга мансублигидан қатъи назар, маълум бир вакт ичидаги (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати

В. Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашгани жойидан қатъий назар

C. ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айрмаси

D. Индивидуал соликлар тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасаруфида қоладиган даромад шакли

#### **5. Ялпи миллий маҳсулот деб нимага айтилади?**

A. Ишлаб чиқарувчи бирон бир давлатга мансублигидан қатъи назар, маълум бир вақт ичида (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати

B. Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан қатъий назар

C. ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айрмаси

D. Индивидуал соликлар тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасаруфида қоладиган даромад шакли

#### **6. Соғ ички (ёкимиллий) маҳсулот деб нимага айтилади?**

A. Ишлаб чиқарувчи бирон бир давлатга мансублигидан қатъи назар, маълум бир вақт ичида (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати

B. Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан қатъий назар

C. ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айрмаси

D. Индивидуал соликлар тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасаруфида қоладиган даромад шакли

#### **7. Миллий даромад деб нимага айтилади?**

A. Ишлаб чиқарувчи бирон бир давлатга мансублигидан қатъи назар, маълум бир вақт ичида (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати

B. Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр

маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан катый назар

С. ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол килинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айрмаси

Д. Йил давомида ишлатилган ишлаб чиқариш манбаларидан эгри солиқларнинг айрмаси

### **8. Шахсий даромад деб?**

А. Индивидуал солиқлар тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфига қоладиган даромад шакли

В. Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан катый назар

С. ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол килинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айрмаси

Д. Йил давомида ишлатилган ишлаб чиқариш манбаларидан эгри солиқларнинг айрмаси

### **9. Ихтиёрдаги даромад деб?**

А. Бу шахсий даромаднинг бир қисмини аҳоли ўз хошигига кўра сарфлаши мумкин бўлган аҳолининг шахсий фойдаланишдаги даромади. Ихтиёрдаги даромад истеъмол ва тежаш учун ишлатилиди

В. Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан катый назар

С. ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол килинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айрмаси.

Д. Йил давомида ишлатилган ишлаб чиқариш манбаларидан эгри солиқларнинг айрмаси

### **10. Дефлятор деганда нимани тушунасиз?**

А. Дефлятор деганда, бу иқтисодий кўрсаткичларни пул билан хисоблаб чиқилган ҳолда уларни олдинги давр нархлари

даражасига **сткниш учун** қайта хисоблаш коэффициенти тушунилади

В. Дефлятор деганда, олдинги динр ширхлари даражаси билан хозирги давр нархлар даражаси тушунилади

С. Дефлятор деганда, бу иқтисодий күрсаткичларни пулдаги ифодаси

Д. Дефлятор деганда, бу иқтисодий күрсаткичларни олдинги давр ширхлары тушунилади

## **11. Ассоций макроиктиносидий күрсаткичларни хисоблаш**

1) Чарифаттар ПУНЧА, АРХИМЕДЛОР БҮЙИЧА, КҮШИЛГАН ҚИЙМАТ

2) Чарифаттар ПУНЧА, ИМПОРТ ИСТЕЙМОЛ, КҮШИЛГАН ҚИЙМАТ

3) Чарифаттар ПУНЧА, ИМПОРТ ИКЕНОРТ, КҮНИЛГАН ҚИЙМАТ

4) Чарифаттар ПУНЧА, ИМПОРТ ИКЕНОРТ, КҮНИЛГАН ҚИЙМАТ

## **12. Оригинал махсулотдеб?**

А. Кейинчалик қайта ишланган ва охирги истеъмолчига етиб боргунча бир неча марта сотиладиган товарлар ва хизматлар, яъни, маълум бир йилда ишлаб чиқарилган ва шундай йилда якуний маҳсулотни яратиш учун истеъмол қилинган маҳсулот

Б. Кейинчалик қайта ишланмайдиган ва истеъмолчига етиб борган маҳсулот

С. Кейинчалик қайта ишланадиган ва охирги истеъмолчига етиб борган маҳсулот

Д. Кейинчалик қайта ишланган ва охирги истеъмолчига етиб бормиган маҳсулот

## **13. Ялпи талаб деб нимага айтилади?**

А. Ялпи талаб - бу иқтисодиётда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ва хизматларга бўлган барча индивидуал талабларнинг йигиндиси ёки истеъмолчилар ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражасида сотиб олишга тайёр бўлган

Б. Ялпи талаб - бу иқтисодиётда кўрсатилган хизматларга бўлган барча индивидуал талабларнинг йигиндиси ёки истеъмолчилар ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражасида сотиб олишга тайёр бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми

С. Ялпи талаб - бу иқтисодиётда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган барча индивидуал талабларнинг йигиндиси ёки

истеъмолчилар ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражасида сотиб олишга тайёр бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми D. Ялпи талаб - бу иқтисодиётда мавжуд бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми

**14. Ялпи таклиф деб нимага айтилади?**

- A. Тайёр маҳсулот ва хизматлар учун индивидуал таклифларнинг йигиндиси ёки ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражасида ишлаб чиқарувчилар тайёр маҳсулот ва хизматларнинг умумий сони
- B. Тайёр маҳсулотлар учун индивидуал таклифлар
- C. Тайёр хизматлар учун индивидуал таклифларнинг йигиндиси
- D. Тайёр маҳсулот ва хизматлар учун ҳар қандай мумкин бўлган нарх даражаси

## **2-боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

### **2.1. Иқтисодий ўсишнинг маҳияти ва унинг назарий масалалари**

Мамлакат тараққиётида макроиқтисодий ўсиш бевосита унинг миллий иқтисодиётидан намоён бўлади. Миллий иқтисодиёт ҳам ўзига хос ҳусусиятларга эга. Бу бевосита мамлакат ичидағи юз берадиган иқтисодий фаолиятда ўз аксини тонади. Айнан шу иқтисодиёт мамлакат ахолисининг том маънодаги фаровонлиги, яшаш сифатининг даражасини белгилайди. Ушбу иқтисодиётнинг ошганлиги ахолисининг том маънодаги фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг кўтарилганлигига намоён бўлади.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг бир йўналиши, унинг иқтисодий ўсишида намоён бўлади. Иқтисодий ўсишнинг бир йўналиши, мамлакат ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ) ва ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг ва унинг таркибий кисмларининг ўсиш суръати билан ифодаланади. **Мамлакат ЯММ** деганда, шу мамлакатнинг ичкарисида ва шу мамлакатга тегишли бўлган, аммо ташкарисида жойлашган иқтисодиёт субъектлари томонидан бир йил давомида яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати билан ўлчадиган қиймати тушунилади. Худди шундай мамлакат ЯИМга ҳам таъриф бериш мумкин. **Мамлакат ЯИМ** деганда, шу мамлакатнинг факат ичкарисида жойлашган иқтисодиёт субъектлари томонидан бир йил давомида яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати билан ўлчадиган қиймати тушунилади.

Макроиқтисодий таҳлилда иқтисодий ўсиш масаласи устуворликни ташкил килади. Шу туфайли ушбу категориянинг таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу борада олимларимиз турли фикрларни айтишганлар. Буларнинг айримлари қўйидаги жадвалда келтирилган (2.1.1-жадвал).

### 2.1.1-жадвал

#### Иқтисодий ўсишнинг таърифи бўйича олимларнинг қарашлари<sup>16</sup>

Муаллифлар	Иқтисодий ўсишнинг таърифи	Манбаси
А.Ўлмасов, А.Вахабов	Иқтисодий ўсиш – бу иқти-садиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётий неъматлар бўлган товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир.	А.Ўлмасов, А.Вахабов Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – “Иқтисод-молия”, 2014. – 269 бет.
Ш.Ш.Шодмонов, Б.Э.Мамараҳимов	Иқтисодий ўсиш бевосита ЯИМ мутлақ ҳажмининг ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорининг ўсиши, сифатининг яхшилашиши, ва таркибининг тако-миллашувида ифодаланади.	Ш.Ш.Шодмонов, Б.Э.Мамараҳимов Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – “Иқтисод-молия”, 2016. – 323 бет.
Т.Жўраев	Иқтисодий ўсиш бевосита ЯИМ миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс сарфлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг ва тарки-бининг такомиллашувида ифодаланади.	Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Ўкув қўйланма. – “Фан ва технология”, 2017. – 323 бет.
Бизнинг таъриф	Иқтисодий ўсиш деганда, бевосита товар ва хизматларни ўзида мужассам этган ЯИМ умумий ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига	Мазкур асарда.

<sup>16</sup> Тадқикот натижасида муаллифлар томонидан шаклластирилди.

<p>Макроиктисодий ўсишнинг мазмунни, моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари</p>	<p>матбуум бир даврда Ўсири тушунилади.</p>	
---	---	--

Йқтисодий ўсишга бир кинч омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар: микроиктисодиёт, мезоиктисодиёт ва макроиктисодиёт даражасида амал қиласди. Чунки ҳар бир корхонадаги маҳсулот ва хизматларнинг ўсиши, широрварлида макроиктисодиёт ҳажмида намоён бўлади. Бу ўз навбатида макроиктисодий ўсишни ташкил қиласди.

Йқтисодий ўсиш мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир қанча йўналишда ифодаланиши мумкин. Буни ушбу жадвалда кўриш мумкин (2.1.2-жадвал).

#### 2.1.2-жадвал

#### Макроиктисодий ўсишнинг мазмунни, моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Т/р	Макроиктисодий ўсишнинг асосий йўналишлари ва омиллари	Макроиктисодий ўсишнинг мазмунни, моҳияти
1.	Мазмуни бўйича	Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш
2.	Босқичлари	Ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлиш ва истемол
3.	Барча босқичларда ҳаракатлантирувчи кучлари	Ишчи кучи, ишлаб чиқариш восита-лари, такомиллашган замонавий технологиялар
4.	Асл манбай	Ер ости ва устидаги табиий бойликлар
5.	Омиллари	Экстенсив, интенсив, модернизация-лаш, диверсификация килиш, инновация, ракамли иқтисодиётни жорий килиш
6.	Сифатий белгилари	Яратилган ЯИМнинг ижтимоий талаб ва таклифга мослиги
7.	Миқдорий белгилари	Йқтисодий ўсишнинг даражаси, сўмда ва фоизда
8.	Натижаси	Миллий бойликни кўпайтириш ва мамлакатнинг ракобатбардошлигини ошириш
9.	Максади	Аҳолининг фаровонлиги, яшаш

		даражаси ва сифатининг ошиб бориши
--	--	------------------------------------

Иқтисодий ўсиш одатда иккита йўл билан ҳисобланади. Биринчиси, ЯММнинг йиллик ўсиши бўлса, иккинчиси ЯИМнинг йиллик ўсишида ўз ифодасини топади. Ҳозирги шароитда мамлакатимизнинг статистик амалиётида асосан ЯИМ ҳажми билан ўлчанади. Бу асосан жорий баҳода ва қиёсий баҳода амалга оширилади. Жорий баҳодаги ўсиш суръати номинал ўсиш, деб юритилса, қиёсий баҳодаги (базис баҳодаги) ўсиш суръати реал иқтисодий ўсишни ифодалайди. Аммо статистик тўпламларда асосан жорий баҳода берилади.

Иқтисодий ўсиш учта кўрсаткичда ифодаланади.

1. ЯИМнинг ўсиш коэффициенти ( $K_{\text{ус}} = \text{ЯИМж} / \text{ЯИМб}$ ).
2. ЯИМнинг ўсиш суръати ( $\Delta \text{ЯИМ}_{\text{ус}} = K_{\text{ус}} * 100$ ).
3. ЯИМ ўсиш суръатининг фарқи ( $\Delta \text{ЯИМ}_{\text{ус}} = \text{ЯИМ}_{\text{ус}} - 100$ ).

Мазкур кўрсаткичларнинг даражаси бир қанча омилларга боғлиқ. Бу омиллар юқорида кўрсатилган омиллар (экстенсив, интенсив, модернизациялаш, диверсификация қилиш, инновация, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш) билан бирга макро-даражадаги ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ. Буларга куйидагилар киради:

1. Талаб билан боғлиқ омиллар (аҳолининг пул даромадлари, истеъмол таварлари ва хизматларнинг нархи, товар ва хизматларнинг сифати, аҳолининг жамғариш даражаси кабилар).
2. Таклиф билан боғлиқ омиллар (ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг ҳажми, уларнинг худудлар бўйича таъминланиши, аҳолининг талабига сони ва сифатининг мослиги, импорт товарларининг ҳажми ва х.к.).

3. Истеъмол ҳолати билан боғлиқ омиллар (аҳолининг жинси ва ёши бўйича табакаланиши, аҳолининг иш билан бандлик даражаси, иш ҳақининг даражаси, бошқа мапбалардан олинадиган даромадлилик даражаси, савдо хизматининг сифати каби омиллар).

Макроиктисодий таҳлилда иқтисодий ўсишининг салмоқлилик даражаси ҳам муҳим аҳамиятта эга. Ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 1 % ўсиш суръатининг микдори билан ўлчанади. Буни аниқлаш учун куйидаги жадвални келтирамиз (2.1.3-жадвал).

### 2.1.3-жадвал

#### Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишининг салмоқлилик даражаси<sup>17</sup>

Йиллар	Мамлакат ЯИМнинг хажми, млрд. сўм	ЯИМнинг 1 % ўсишининг салмоқлилик даражаси, млрд сўм.
2020 йил	653 546	6 535,5
2021 йил	786 227	7 862,3
2022 йил	929 076	9 290,8

Кўриниб турибдики, 2020 йилда ЯИМнинг 1 % ўсиши 6 535,5 млрд. сўмни ташкил қиласа, 2022 йилда унинг миқдори 9 290,8 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Мазкур ҳолатда 1 %нинг салмоқлилик даражаси 2022 йилда 2020 йилдаги кўрсаткичига нисбатан 142,2 %га ( $9290,8 * 100 / 6535,5$ ) юқорилигидан далолат бериб турибди:

#### 2.2. Мамлакатимизда макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиш тенденциялари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни парламентига қилган мурожаатномасида 2019 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг якунларига тўхталар экан “Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл курилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чукӯр таркибий исплоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш хажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”<sup>18</sup> деб таъкидлади..

Яна бир муҳим жихат, “2020 йилда макроиктисодий баркарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган давлат бюджети тўғрисидаги конуни. Олий Мажлиснинг конунчиллик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қа бул кислинган. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябряда мъзкулланган. 2-иоловла келтирилган мазлумотлир асосида муаллифлар хисобхитоби.

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2020 йил 25 январь. - 1-бет.

ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиздир”<sup>19</sup>, деб таъкидланган бўлди. 2020 йилда мамлакатимизда инфляция даражаси 5,0 фоизни ташкил этиши ҳам қайд этилди. Айнан шу мурожаатномада 2020 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига ҳам батафсил тўхталиди. Ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланганини қайд этиш билан бирга олдимиизда ўта муҳим вазифалар борлигига ҳам эътиборни қаратди. “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимиизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жинсласиб, тинимиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”<sup>20</sup>.

Мамлакатимизда слив борилаётган пухта ўйланган сиёsat натижасида иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиш баробарида ташки қарзларимиз камлигича сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатни хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чукур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашин натижаси, деб баҳолани мумкин. “Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу ракамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсади. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 37 фоизга етди”<sup>21</sup>.

Иқтисодий ўсишнинг яна бир муҳим омили мамлакатимизда солик юки муттасил камайиб бораётганлиги билан изохланади. 2020 йилдан бошлиб иқтисодиёт соҳасидаги “солик турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди”<sup>22</sup>. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожланиш йўлига тушиб олганлигидан, уни бошқарища туғри иқтисодий сиёsat юритилаётганлигидан далолатdir.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати охирги йилларда 5,5 %дан юқори ўсишни таъминлаб келмоқда ва шу келгуси йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. Ушбу ҳолатни охирги

<sup>19</sup>Ўша жойда. – 2-бет.

<sup>20</sup>Ўша жойда – 1-бет.

<sup>21</sup>Ўша жойда. – 1-бет.

<sup>22</sup>Ўша жойда. – 1-бет.

йиллардаги макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсишида ҳам кўришимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

**Ўзбекистон Республикасида 2020 режаси ва 2021-2022 йилларда макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсици суръати<sup>23</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2020 йил	Максадли	
			йўналтириган миқдори 2021 йилга	2022 йилга
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), млрд. сўм	653 546	786 227	929 076
2.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, %	5,5	5,8	6,2
3.	Истебъом баҳоси инде-кси, ўтган йилнинг декабрига нисбатан, %	12,5-13,0	11,0	9,5
4.	Саноат маҳсулотининг ўсиш суръати, %	6,5	6,7	7,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ўсици суръати, %	4,0	4,1	4,2
6.	Савдо айланмасининг ўсиш суръати, %	5,6	5,7	6,0

Жадвалда кўриниб турибдики, эришилган тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан барқарор суръатлар билан ривожланганидир. Шунинг учун модернизация, диверсификация ва инновацион иқтисодиётнинг буғуиги кундаги мувоффақиятларимизнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқди. Зоро, иқтисодиёт тармоқларини янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш эвазига модернизация қилиш, ишлаб

<sup>23</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўљжалланган давлат бюджети тўғрисидаги конуни. Олий Мажлиснинг конуничлик налатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қа булинилган. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябряда маъкулланган. 2-илова

чикариладиган маҳсулотлар ва хизматларни кенгайтириш билан уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг устувор вазифалари сирасига киритилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг ижтимоийлашганлигидир. Бу ҳолат давлат бюджетининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги билан ифодаланади. Буни 2020 йилда Давлат бюджетининг режаси 158 960,1 млрд. сўм қилиб белгиланган. 2021 йилда 191 781,6 ва 2022 йилда 226 318,5 млрд. сўм микдорида прогноз килинган. Буларнинг ярмидан кўпи ижтимоий соҳага йўналтирилганлигига кўришимиз мумкин.

Булардан ташқари иқтисодиётнинг ҳарбийлашган, индустрисал, аграр каби шакллари ҳам мавжуд. Агар давлат бюджетининг асосий қисми ҳарбий мақсадлар учун сарфланса, бундай иқтисодиётни ҳарбийлашган ва мос равишда қайси йўналишга кўпроқ маблағ сарф қилинса, шундай иқтисодиёт, деб аталиши мумкин. Бизнинг иқтисодиётимиз ижтимоийлашган иқтисодиёт, деб юритилади.

Мамлакат иқтисодиётидаги муҳим ижобий ўзгаришлардан бири, унинг таркибий ўзгаришлардаги ҳолатида кўринмоқда. Бундан бир қанча йиллар мукаддам аграр иқтисодиёт устувор бўлган иқтисодиётимиз, бугунги кунда индустрисал иқтисодиётга айланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Яна бир муҳим жиҳат – мамлакат иқтисодиёти жаҳон андозалари даражаси томон интилиб бормоқда. Унинг таркибига хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларининг жадал суръатлар билан ўсиши, мамлакат ЯИМдаги улушининг ошиб бориши кузатилмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (2.2.2-жадвал).

## 2.2.2-жадвал

**Мамлакат иқтисодиётида (ЯИМда) охирги ўп тўрт йил мобайнида тармоқ ва соҳаларнинг улушкидаги ўзгаришлар %<sup>24</sup>**

Кўрсаткичлар	2000 й.	2013 й.	2018 й.
Саноат	14,2	24,3	58,6
Қишлоқ хўжалиги	30,1	16,8	26,8
Хизмат кўрсатиш	37,0	53,0	46,8
Чакана товар обороти	31,0	45,8	41,4

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика вазирлиги маълумотлари асосида шакллантирилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакат ЯИМда саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб 24,3 %ни ташкил қилди. 2018 йилда жорий баҳода 58,6 %гача кўтарилди. Мос равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улушидаги камайиш рўй берди. 2000 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 30,1 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб 16,8 %га тенг бўлиб қолди. 2018 йилда 26,8 %га тенг бўлди. Ушбу ҳолат кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиётида индустриянинг улуши кўпайиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кескин ўзгариш рўй берган. Унинг миқдори 2000 йилда 37,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб 53,0 %га етди. 2018 йилда 46,8 %ни ташкил қилмоқда. Шундай ҳолат чакана товар айланмасида ҳам рўй берди. 2000 йилда ушбу соҳанинг мамлакт ЯИМдаги улуши 31,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткичнинг миқдори 45,8 %ни ташкил қилди. 2018 йилда 41,4 % сақланиб қолмоқда. Ушбу ҳолат кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ижобий томонга қараб бормоқда. Булар том маънода ривожланган демократик мамлакатлар қаторидан тезроқ жой олишимиз учун моддий, ташкилий ва хукукий заминдир. Чунки бизнинг стратегик мақсадимиз айнаи шу йўналишга қаратилганигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур ҳолат келажакда ҳам давом этади.

Мамлакат иқтисодиётининг охирги йилларда эришган яна бир характеристи хусусияти шундаки, унинг умумий экспорти яқиндагина факат хомашёдангина иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг улуши ҳам кескин ўзгарди. Жумладан 2019 йилда тайёр маҳсулотнинг мамлакат экспортидаги улуши қарийб 2/3 кисмини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2019 йилда 28 %га кўпайди<sup>25</sup>. Бу ҳам кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиётида шу киска даврда анча мувоффакиятларга эришдик. Мазкур соҳани Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “иқтисодиётимиз ривожини, ахоли бандлиги ва даромаддари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлған қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тарақкий этириш зарур”<sup>26</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки қишлоқ хўжалик соҳасининг мамлакт ЯИМдаги улуши камайиб бормоқда. Аммо бу

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2020 йил 25 январь. – 1-бет.

<sup>26</sup>Ўша жойда – 3-бет.

маҳсулотларни ишлаб чиқаришининг камайғанлиги учун эмас, балки бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришининг кескин ошиб бораётғанлигидан далолатдир. Бундай тенденция келажақда ҳам сақланиб колади. Мұхтарам Президентимиз таъқидлаганидек, “Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиширишни қластер шаклига босқичмабосқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз. Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармокларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган қластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиширишни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур”<sup>27</sup>. Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 2020 йилда сезиларни ўсишга орнишилади. Ушбу соҳада яратилаётган маҳсулотлар умумин киминиған ёмис на буидан кейин ҳам камаймайди. Агар 2019 йил шигаржалири бўйича режи кўрсаткичларини ҳам инобатти олидиган бўлсанк, ўзиши тенденциини ҳамон сақланиб қолган ва бу узулксиз дином тағдиган жарнендири.

Ушбу ҳолатлар кўрсатиб турибдики, мамлакитимиз қишлоқ ахлиниң фидокорона меҳнати билан галия на бонка ўнг мұхим ҳаётий зарур бўлган маҳсулотлар бўйича тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришдик ва шу тенденция сақланиб қолади. Чунки, кечагина жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келган бўлсанк, бугунги кунда ўз эктиёжларимизни тўлиқ кондирган ҳолда ўзимиздан ортиқча қисмини ташқарига экспорт қилиш имкониятини яратдик. Бу жуда кисқа пайтда эришилган жуда катта ютуқларимиздандир.

### 2.3. Иқтисодий ўсишининг турлари ва мезонлари

Жамиятнинг иқтисодий тараққиётини белгилавчи асосий мезон – бу иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ҳозирги пайтда бундай кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) билан белгиланади. Охирги пайтларда иқтисодий ўсишининг турли шакллари ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Масалан ЯИМнинг пасайиши рўй берган мамлакатларда рецессия жараёни рўй бераётғанлиги таъқидланса, айрим мамлакатлар иқтисодиётидан

<sup>27</sup>Ўша жойда. – 3-бет.

бекарорлик рўй берадиганлиги айтилмоқда. Яна бошқа бир мамлакатда мунтазам ўсиш сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилса, айримларида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланадиганлиги қайд қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига келадиган бўлсак, олдин барқарор иқтисодий ўсиш таъминланадиганлиги хусусида гап кетган бўлса, ҳозирги пайтда юқори суръатлар билан ўсиш кузатиладиганлиги қайд қилинмоқда. Бундай қарашларни жамлаб бир нарсага амин бўлдикки, иқтисодий ўсишининг мезонларини белгилаб чиқиш керак экан. Аммо иқтисодий ўсишнинг алоҳида турлари бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб, ушбу ҳолатларни мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари ҳамда тарихий манбаларни чукур таҳлил қилиши чатижасида, иқтисодий ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг номлари ва даражасини (мезонларини) ишлаб чиқдик. Бу куйидаги жадвалда таркиб топган (2.3.1-жадвал).

### 2.3.1-жадвал

#### Иқтисодий ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлари<sup>28</sup>

Иқтисодий ўсишининг турлари	Даражаси
Рецессия (пасайиш)	Ўтган йилга нисбатан паст бўлса
Бекарор	Бир ошиб, бир камайиб ўсганда
Мунтазам	100,1 дан 105,0 %гача ўсиш таъминланса
Барқарор	105,1 – 108,0 % ўсиш таъминланса
Юқори суръатда	108,1 – 110,0 % ўсиш таъминланса
Жадал суръатда	110,1 % дан ортиқ ўсишга эришилса

Ўзбекистон иқтисодиётидаги қатор йиллар давомида (1996-2003 йиллар) мунтазам ўсишга (5,0 %гача) эришилди. 2004-2006 йилларда барқарор суръатлар билан (8,0 %гача) ўси. 2007-2013 йиллар давомида юқори суръатлар билан ўсиш (8,0 % кўп) таъминланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий ўсишини таҳлил қиласидиган бўлсак, 1995 йилга қадар рецессия жараёни юз бериб келди. 1996 йилдан бошлаб ўнгланиш содир бўлди, яъни аста-секинлик билан ривожланиш рўй берди. Буни биз тавсия

<sup>28</sup> Муаллиф томонидаги ишлаб чиқилада ва тутилди

қилган мезонлар бўйича қуидагида баҳолаш мумкин бўлади (2.3.2-жадвал).

### 2.3.2-жадвал

**Ўзбекистонда ЯИМнинг 1995-2019 йилларда ўсиш суръати (%)<sup>29</sup>**

Йиллар	Мамлакат ЯИМнинг ўзгариш суръатлари, %	Ўтган йилга нисбатан фарқи (+,-)	Йиллар бўйича иктисодий ўсишнинг турлари
1995	-0,9	-	Рецессия
1996	1,7	+2,6	
1997	5,2	+3,5	
1998	4,3	-0,9	
1999	4,3	0	
2000	3,8	-0,5	
2001	4,2	+0,4	
2002	4,0	-0,2	
2003	4,2	+0,2	
2004	7,4	+3,2	
2005	7,0	-0,4	
2006	7,3	+0,3	
2007	9,5	+2,2	
2008	9,0	-0,5	
2009	8,1	-0,9	
2010	8,5	+0,4	
2011	8,3	-0,2	
2012	8,2	-0,1	
2013	8,0	-0,2	
2014	8,0	0,0	
2015	8,0	0,0	
2016	8,0	0,0	
2017	4,5	-3,5	
2018	5,1	+0,6	
2019	5,6	+0,6	

<sup>29</sup> Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 1965-2010 гг. Т.: Госстандарт. Соответствующие годы. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг йилиниң якунлари ва келгуси йилга мўлжаловинан устувор вазифаларни белгилаб берадиган ҳар йилиги айланавий мурожасасида ва Ш.М.Мирзиёевнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига айланавий Мурожаатномасида келтирилган манъумотлардан олинди.

Кўрниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида мустақиллик йилларида иқтисодий ўсишнинг тўртта шаклини бошидан кечирибди. Жумладан, 1996 йилгача иқтисодиётимизда рецессия жараёни содир бўлган. 1996-2003 йиллар давомида мунтазам ўсишга эришилган. 2004-2006 йиллада иқтисодиётимизда барқарор ўсиш рўй берган. 2007 йилдан 2016 йилгача юқори суръатлар билан ривожланиб келган. 2017 йилдан бошлиб мунтазам ўсиш суръати давом этиб келмоқда.

Ушбу иқтисодий ўсишнинг турлари ва даражасини белгилапча методологик асос қилиб расмий хужжатлар, маърузалар олинди. Жумладан, мунтазам ривожланиш мезони ҳам мамлакатимиз Биринчи Президенти томонидан белгилаб берилган мезонлардан келиб чиқилган. Масалан, 2003 йилнинг натижалари ва 2014 йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга багишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги маърузасида: “Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам(таъкид бизники – М.П.)равиша 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда”<sup>30</sup>, деб таъкидлади. Демак 5,0 %гача ўсиш суръатини мунтазам ўсиш, деб аташ лозим деган холосага келдик.

**Барқарор ривожланишининг методологик асосини ҳам расмий маърузаларда кўришимиз мумкин.** Жумладан “2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фойизга ўси”<sup>31</sup>. Бундай макроиктисодий кўрсаткичлар “...жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик мешақатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожланишишнинг (таъкид бизники – М.П.)амалий намоёни бўлди”<sup>32</sup>. Кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти 7,3 % ўсан пайтни Биринчи Президентимизбарқарор ривожланиш, деб атаган эди. Ушбу кўрсаткич 8,0 %дан ошганда эса, юқори ўсиш, деб таъкидланган. Масалан, “2013 йилнинг якунлари ҳақида тапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришган, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар (таъкид

<sup>30</sup> Каримов И.А. Тинчлиқ ва хафзизларимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжihatларимиз ва қатъи иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 185-бет.

<sup>31</sup>Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва максадицир./ Ислом Абдуганиевич Каримов – Т. 15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 155-бет.

<sup>32</sup> Уна жойда – 155-бет. (Макар ҳавозида кептирилган таъкид бизники – М.П ва О.П).

бизники – М.П.) билан ривожланганини кайд этамиз<sup>33</sup>, деб таъкидлади.

Президентимизнинг ушбу таъкиди биринчидан, иқтисодиётимизнинг 8,0 %га ошганлиги, унинг “юқори суръатдар” билан ривожланганигини кўрсатса, иккинчидан, унинг модернизация ва диверсификация хисобидан амалга оширилганлигини эътироф этмоқда. Бу ерда гап ўсиш ва унинг омили ҳақида кетмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ривожланиши айнан жаҳон молиявий-иктисодий инқирози авж олиб турган пайтларда ҳам сакланиб қолди. Бунинг асосий омили, мамлакатимизда мустақилривожланиш стратегиясини тӯғри белгилаб олинганлиги бўлган бўлса, кейинчалик шу асосда мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацион омилларни жорий қилиш бўлди.

Буни мамлакатимизнинг Президентининг 2009 йил 22 майда “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига мурожаатида қуйидагиларни таъкидлайди: “...иктисодиёт-ни модернизация ва диверсификация қилиши, ишлаб чиқариши мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишининг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак муваффақиятларга эриншади”<sup>34</sup>, деган гапларидан ҳам англаб олиш мумкин. Биз молиявий-иктисодий инқироз шароитида айнан шу тамойилларга амал қилганлигимиз учун мамлакат ЯИМнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Кўриниб турибдикি, иқтисодий ўсишининг асосий омиллари мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацияларни жорий қилишдан иборат экан. Аммо ушбу тушунчалар нечоглиқ мухим бўлмасин, уларнинг айрим назарий ва амалий масалалари ҳамон иқтисодий адабиётларда

<sup>33</sup> Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегисини изчил давом этитиш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириши якуллари ва 2014 йилга мўлжалданган иқтисодий дастурнига энг мухим устувор йўналишларiga бағишланган Вазирилар Мажхамасинин мажлисидағи маъруzasи. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь, – 1-3 бетзор.

<sup>34</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг асосий мақсадимиз. – Т.17. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 231-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизнини – М.П. ва О.П.)

етарлича ёритилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчаларнинг илмий-назарий ва амалий масалаларига<sup>35</sup> эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Мамлакатимиз 2017 йилдан бошлаб янги йўналишга ўтди. Бунинг ёркин нақунаси сифатида бешта йўналишни қамраб олган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини келтириш кифоя. Энди “Янги Ўзбекистон” шаклланмоқда. ЯИМнинг ҳар бир фоизининг салмоғи ҳам кескин ўсиши. 2010 йил жорий баҳосида ЯИМнинг 1 % ўсиши 623,9 млрд. сўмни ташкил қиласа, 2015 йилда – 1718,1 млрд. сўмга, 2018 йилда – 2811,3 млрд. сўмга teng бўлган. 2018 йилдаги 1 % ЯИМнинг салмоғи, 2010 йилнинг худди шундай кўрсатгичига цисбатан 4,5 марта (2811,3/623,9) юкори. 2020 йилга келиб, бизнинг ҳисобкитобларимиз бўйича 1 % ўсишининг салмоғи 3505,9 млрд. сўмни ташкил қиласа. Бугунги 1 % ўсиш, 2010 йилдаги 5,6 % (3505,9/623,9) ўстанилигига teng:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган иктисодий ўсишининг тўқизита устувор вазифалари белгилаб берилди ва Мурожаатноманинг охирида мамлакатимиз халқига қарата: “Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз. Оддинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмокда”, деб таъқидлади. Аммо ушбу мэрраларни бажаришга халқимиз бор куч ва кудратини, илмий ва интеллектуал салоҳиятини аямайди, деб тўлиқ ишонч билдириди. Аммо белгилаб олган мэрранинг кийинлиги ва канча машакатли бўлмасин, оркага йўл йўқлигини ҳам қатъий такидлаб, халқимзга катта ишонч билдириди. Унда қўйидаги гаплар айтилди: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни кадрлайдиган, азму шиҷоатли, буюк халқимиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва ахил бўлиб ҳаракат қиласак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат

<sup>35</sup>Пардаев М.Қ., Мамасоғов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иктисодий ўсишининг муҳим омили. Монография. – Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2014. – 104 бет.

<sup>36</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси/“Ҳақл сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, 19-сон 1-4 бетла

**қилемак, ҳар қандай мэрраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.**

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машақкатлар бўлмасин, барчасини мардона енгигб ўтишга тайёрмиз. Бундай ззгу ишларда бизга Яратганинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман<sup>37</sup>, деб таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иктиносидёти бундан кейин ҳам жадал ривожланади. Юқори суръатлар билан иктиносидий ўсишга эришилади. Бунинг учун барча асосларимиз бор.

**Таяинч сўзлар:** иктиносидий ўсиш, микроиктиносидёт, мезоиктиносидёт, макроиктиносидёт, тенденция, модернизация, диверсификация, рецессия, мунтазам, барқарор, инновация.

### **Назорат ва мулоҳазалар учун саволлар**

1. Иктиносидий ўсиш нима?
2. Иктиносидий ўсиш қандай иктиносидий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишин имконини беради?
3. Ялпи ички маҳсулотни ялпи миллий маҳсулотдан фарқи?
4. Иктиносидий ўсиш турлари ва меъзонларини изоҳланти?
5. Иктиносидий ўсиш қачон рецессия (пасайин), деб баҳоланади?
6. Иктиносидий ўсиш қачон бекарор, деб баҳоланади?
7. Иктиносидий ўсиш қачон мунтазам, деб баҳоланади?
8. Иктиносидий ўсиш қачон юқори суръатда, деб баҳоланади?
9. Иктиносидий ўсиш қачон жадал суръатда, деб баҳоланади?
10. Иктиносидий ўсиш соғ экстенсив ёки соғ интенсив ҳолда кам учрашини қандай изоҳлайсиз?
11. Иктиносидий ўсишнинг талаб ва таксимот омилларини фаоллаштириш давлатнинг иктиносидий сиёсатига боғлиқлигини тушунтириб беринг.
12. Табиий ресурсларниң микдори ва сифати иктиносидий ўсишини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнамаслиги тўғрисидаги фикри асослаб беринг.
13. Иктиносидий ва ижтимоий соҳаларда модернизацион жараёнларни қандай изоҳлайсиз?
14. Иктиносидий ва ижтимоий соҳаларда диверсификацион жараёнларни қандай изоҳлайсиз?

<sup>37</sup> Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Муроҷаатномаси/“Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 25 январь, 19-сон, 1-4 бетлар

15.Инновацион технологияларни иқтисодий ўсишга таъсири?

16.Солиқ юкини иқтисодий ўсишга таъсирини изоҳланг

### Тестлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг макроиктисодий кўрсаткичлар, солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджетининг жорий йилда кутилаётган ижроси ва 2020 йилга мўлжалланган параметрлар муҳокамасига бағишиланган нутқи қачон ўқилган эди?

- A. 2019 йил 31 октябрдаги
- B. 2020 йил 24 январда
- C. 2020 йил 11 февралда
- D. 2019 йил 31 декабрда

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 31 октябрдаги нутқида 2020 йил бюджетининг харажатлар қисмида соглиқни сақлаш тизимига йўналтириладиган харажатлар ўтган йилдагига нисбатан неча фоиз оширилганини айтди?

- A. 18 фоиз
- B. 10 фоиз
- C. 24 фоиз
- D. 12 фоиз.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 31 октябрдаги нутқида 2020 йил бюджетининг харажатлар қисмида таълим соҳасига йўналтириладиган харажатлар ўтган йилдагига нисбатан неча фоиз оширилганини айтди?

- A. 18 фоиз.
- B. 10 фоиз
- C. 24 фоиз
- D. 12 фоиз.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 31 октябрдаги нутқида 2020 йил бюджетининг харажатлар қисмида таълим соҳасига йўналтириладиган харажатлар ўтган йилдагига нисбатан неча фоиз оширилганини айтди?

- A. 28 фоиз,  
B. 30 фоиз  
C. 47 фоиз  
D. 22 фоиз.

**5. Иқтисодий ўсишнинг қанча турлари мавжуд?**

- A. 7 та  
B. 3 та  
**C. 6 та**  
D. 2 та.

**6. Иқтисодий ўсиш қачон рецессия (пасайиш), деб баҳоланади?**

- A. 100 фоиз бўлса  
B. Ўтган йилга нисбатан камайса  
C. Ўтган йилга нисбаттан ўсса  
D. Бир ўсиб, кейин камайса.

**7. Иқтисодий ўсиш қачон бекарор, деб баҳоланади?**

- A. 110 фоиз ўсишига эришиша  
B. Ўтган йилга нисбаттан ўсса  
C. Ўтган йилга нисбаттан ўсса  
D. Бир ўсиб, кейин камайса.

**8. Иқтисодий ўсиш қачон мунтазам, деб баҳоланади?**

- A. Ҳамиша 100 фоиз ўсган бўлса  
B. 100,1 дан 105,0 %гача ўсган бўлса  
C. 105,1 дан 108,0 %гача ўсган бўлса  
D. Бир ўсиб, кейин камайса.

**9. Иқтисодий ўсиш қачон барқарор, деб баҳоланади?**

- A. Ҳамиша 100 фоиз ўсган бўлса  
B. 100,1 дан 105,0 %гача ўсган бўлса  
C. 105,1 дан 108,0 %гача ўсган бўлса  
D. Бир ўсиб, кейин камайса.

**10. Иқтисодий ўсиши қачон юқори суръатда, деб баҳоланади?**

- A. Ҳамиша 100 фоиз ўсган бўлса  
B. 108,1 дан 110,0 %гача ўсган бўлса  
C. 105,1 дан 110,0 %гача ўсган бўлса  
D. 100,1 дан 108,0 %гача ўсган бўлса.

**11. Иқтисодий ўсиш қачон жадал суръатда, деб баҳоланади?**

- A. 100,0 %дан юқори ўсган бўлса
- B. 108,1 %дан юқори ўсган бўлса
- C. 105,1 %дан юқори ўсган бўлса
- D. 110,1 %дан юқори ўсган бўлса.

**12. Иқтисодий ўсиш нечта кўрсаткичда ифодаланади?**

- A. 7 та
- B. 3 та
- C. 6 та
- D. 2 та.

**13. Ўзбекистонда 2020 йилда ЯИМнинг ҳажми?**

- A. 653 546 млрд. сўм
- B. 786 227 млрд. сўм
- C. 929 076 млрд. сўм
- D. 933 076 млрд. сўм

**14. 2020 йилдан бошлаб иқтиёдиёт соҳасидаги солик турлари 13 тадан нечтага камайтирилди?**

- A. 7 та
- B. 9 та
- C. 6 та
- D. 8 та.

**15. 2018 йилда саноат тармоғининг (ЯИМда) улуши? 58,6 %**

- B. 60,7 %
- C. 55,0 %
- D. 44,2 %

**16. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларниң турлари тўлиқ келтирилган қаторни белгиланг**

- A. Рецессия, бекарор, мунтазам, барқарор, юқори суръатда, жадал суръатда
- B. Рецессия, бекарор, барқарор, юқори суръатда, жадал суръатда
- C. Рецессия, бекарор, мунтазам, юқори суръатда, жадал суръатда
- D. Рецессия, бекарор, мунтазам, барқарор, жадал суръатда

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 40.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг йигирма тўккиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутки. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 2 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган давлат бюджети тўғрисидаги конуни. Олий Мажлиснинг конунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қа бул килинган. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябряда маъкулиланган. 2-илова.
5. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 1965-2010 гг. Т.: Госстандарт. Соответствующие годы.
6. Ўзбекистон Республикаси статистика вазирлигининг тегишли йилиар бўйича маълумотлари.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва хафсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 185-бет.
8. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг хаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир / Ислом Абдуганиевич Каримов – Т. 15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 155-бет.
9. Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсии суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириша йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизнинг 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иктисолий дастурнинг энг муҳим устуқор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasи. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетлар.
- 10.Каримов И.А. Ватанимизни боқичма-боқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг асосий мақсадимиз. – Т.17. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 231-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъқид бизники – М.П ва О.П)
- 11.Мирзиёев Ш.М Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017 йил.- 488 бет.
- 12.Мирзиёев Ш.М «Миллий тараққиёт йўлимизни катъиёт билан давом эттириб, янги боқичга кўтарамиз» 1-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2019 йил.- 592 бет.

- 13.Мирзиёев Ш.М «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳо» 2-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2018 йил.- 508 бет.
- 14.Мирзиёев Ш.М «Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуг, ҳаётি ёруғ ва келажаги фаровон бўлади» 3-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 2019 йил.- 400 бет.
- 15.Большой экономический словарь. М.: Ин-т экономики, 1994. С. 313.
- 16.Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўкув кўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017. – 337 бет.
- 17.Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. М.М.Мухаммедов таҳрири остида. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2018. – 181 бет.
- 18.Пардаев М.К., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг мухим омили. Монография. – Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2014. – 104 бет.
- 19.Шодмонов Ш.Ш., Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”нашриёти, 2016. – 261 бет.
- 20.Шахноза Тўрамуродова. 2020 йилги макроиктисодий кўрсақчиchlар прогнози маълум килинди. //<http://uza.uz/oz/business/makroi-tisodiy-krsaqchilar-anday-isoblanadi. 06 Ноябрь 2019 10:53>. 3117
- 21.Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика», «Дело», Москва, 1993.
- 22.Ўлмасов А. Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2014. – 264 бет
- 23.Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз биринчмаси. Ж-Н. Е-М./Таҳrir ҳайати: Т.Мирзаев (рахбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 216.
24. <https://uza.uz/oz/society/ra-amli-i-tisodiyet-ani-ta-lil-va-shaffof-biznes-21-06-202022:37>

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>1-боб.</b>	<b>МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ</b>	<b>5</b>
1.1.	Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари	5
1.2.	Миллий хисоблар тизими бўйича асосий кўрсаткичлар ва ЯИМни аниқлаш усуллари	14
1.3.	Миллий иқтисодиётни ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг мазмуни	17
1.4.	Ялпи талаб ва унинг шаклланиши	18
1.5.	Ялпи таклиф ва унинг чегаралари	20
1.6.	Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг нисбати	20
1.7.	Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2020 йил ва ундан кейинги йиллардаги прогнози хусусида	22
<b>2-боб.</b>	<b>МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ</b>	<b>30</b>
2.1.	Иқтисодий ўсишнинг можияти ва унинг назарий масалалари	30
2.2.	Мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш тенденциялари	34
2.3.	Иқтисодий ўсишнинг турлари ва мезонлари	39
	Адабиётлар рўйхари	49

## **Услубий қўлланма**

**Мамаюнус Пардаев, Юлдуз Урунбаева**

### **МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

*Услубий қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий услубий кенгашида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган. (№1. 29 август 2020 йил)*

29.08.2020 йилда босишга рухсат этилган. Офсет босма табоғи. Қоғоз бичими 60x84 1/16 “Times” гарнитураси. Офсет босма усули.

Шартли босма табоғи 3,25. Ҳисоб нашр табоғи 3,0 б.т.

Адади 100 нусха. Буюртма № 30/20

“Наврўз полиграфия” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Лицензия № 18-3227 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаева кўчаси, 38 уй.

68.092.1

6000